
1 сентябрдан пенсия ва нафақалар 10 фоизга оширилади

1 сентябрдан бошлаб, пенсиялар, болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 баробарга ошади.

???? Ўртача пенсия миқдори 764 минг сўмдан 841 минг сўмгача ошади.

???? Болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори амалдаги 466 680 сўмдан 513 350 сўмгача кўпаяди.

???? Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган, ҳаёти давомида Пенсия жамғармасига умуман бадал тўламаган 37,5 минг нафар кекса фуқароларга бериладиган нафақа ойига 315 030 сўмгача оширилади.

2020-08-04 18:24:44